

Ozbekiston ovozi

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOYIY GAZETASI □ 2000 YIL 12 DEKABR SESHANBA № 144 (26.694)

2001 йил —
ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

ШИРИН ЭЪЗОЗ ВА ФАХР

Хосиятли келишину умид қилиб, янги асрга қадам қўяётимиз. Яхши ниятла янги аср оналар ва болалар йили деб эълон қилинди. Уша дамда кўнглимдан, очиги бир дунё ўйлар ўтди. Ишонч, онага бўлган улкан бир ишончда, бу. Оналик ва болаликни асраш, авайлаш бу. Баъзан хорхжлик хонимлар билан ҳамсухбат бўлиб қолсам, «ўзбек аёлининг жамиятдаги ўрни ва унга «эътибор», «ғамхўрлик» ҳақида сал илмоқли қилиб ҳам сўраб қолишадим. Билман, собиқ совет тузуми даврида «она қурувчи, она ғишт терувчи, бетон қуювчи, асфальт ётқизувчи, «зангори кема» капитани, ҳатто «тунги қоровул» ҳам бўлди. Шунга шама қилса керак-да. Уша даврдан онанинг «ўрни» онага, жамиятга нисбатан берди, аччиқ сабоғини сезиб турибмиз.

Бир воқеа ҳеч хотирамдан фаромуш бўлолмайди. Уртоғимнинг 100 ёшга қоралаган бувици бўларди. Гапдан гап очилиб, бувици олтимши ёшдан ошган қария ўғлини қаттиқ қойиб кетди: «Болам, оила ҳам бир салтанат, фуқароси гуноҳ қилса оғирлиги, жавобгарлиги подшоҳнинг гарданида. Эшитишимча, неварам Муроджон алақайси юртада армиядан сўнг қоламан, дебди. Нима, ўша иш сабил шу ерда ўқими? Бўлмаса, отаси қилган касб-корни қилсин, кетмон чопсин, етми пуштимиздан юртфуруш чиқмаган, ўғил ўстурган онасини чақир-чи, гапни олай». деди. Кампирнинг чева-ра келини: «Эй, буви, сиз эски замоннинг одамисиз, Сибирга ўғлим комсомол топшириғи билан кетди. «Оналик қилолмапсан», дейсиз менга. Бундай бахт ҳар кимнинг боласига ҳам насиб этмайди. Қолаверса, у ёқда пул кўп». Шунда кампирнинг «Эҳ бандайи гумроҳ, гофил она, ахир, оналик тахтинга сув кетгани шу. Ўз юртига эга бўлсин, ўзга қўрғонда қў бўлиши нима?» деганини биров эшитиб, биров эшитмаганиди.

Момонинг: «Ўз юртига эгаллик қилолмаган ўзга қўрғонда қў бўлади» деган жўнгина бир фалсафасида Ватанга ворис бўл, элингга эш бўл, деган маъно бор экан, билсам энди. Бир она сифатида юрт отасининг келгуси йилни оналар ва болалар йили дея эътироф этишсини улкан бир қўрғонда она ва болага бир ширин эъзоз, бир ширин фахр деб билдим.

Ва бу билсам менга — онага, ўғлимга — болага ғамхўрлик, юртга ғамхўрлик экан, асли. Юртнинг эртасини асраш экан.

Жажжи фарзанди боғчадаму, уйдаму, барибир, энг азиз тарбиячи — она. Ўғилки, қизки, мактабда билум олаятими, барибир энг доно устоз она, йўлти олий билим юрти даргоҳидаму, қиз катта ҳаёт бўсағасига қадам қўйдими, барибир онанинг ўғлини унга тўтиди. Оналарки боласи учун дуога қўл очади: «Эл қатори омон бўл» дея аввал элчи, юртнинг тинчлигини ўйлайди, демакки, дуоғўй она шу юртда боласининг элга эш бўлишини муроа деб билади.

Янги асрнинг қўллуғи остонасидамиз. Оналар ва болалар йили дея эътироф ният билан дуога қўл очиб, демакки, янги аср ҳам мисли чақалоқ туғилаяпти. У онага эш бўлсин, болага бешик бўлсин. Зеро, юртнинг, дунёнинг эртаси шу ёруғ ниятларга ўйлош бўлсин.

■ Саида САЙХУН

ЛЕ КЛЕЗИО ҚАҲРАМОНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасида замондош француз ёзувчиси Жан-Мари Гюстав Ле Клезининг ўзбек тилига ўғирилган «Мондо ва бошқа ҳикоялар» номи китобининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Франция Республикасининг Ўзбекистондаги Факултода ва Мухтор элчиси Жак-Андре Костиль икки мамлакат ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқалари тобора ўсиб бораётганини таъкидлаб, «Мондо ва бошқа ҳикоялар» асари Франция элчихонасининг франциялик муаллифлар асарларининг Ўзбекистонда чоп этилишига

қўмаклашувчи «Навоий» дастури доирасида ўзбек тилида нашр этилганини қайд этди. Мазкур китоб — Франция элчихонаси билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллиги йиллари чоп қилинган бешинчи асардир. Булар Франсуа Мориак қаламига мансуб «Илонлар тўдаси», Вольтернинг «Задиг», «Перро эртаклари» (моливий жихатдан «Томсон» фирмаси билан ҳамкорликда чиқарилган) ва нияят, Монтепеккенинг ўтган йили ўзбек тилида чоп этилган «Форс мактублари» асарларидир.

Мазкур асар ҳам болаларга, ҳам катта ёшдагиларга

мўлжалланган бўлиб, уни фалсафий эссе, деб аташ мумкин. Ле Клезининг новелларида қаҳрамонлар ўспиринликка хос бўлган иккиликлар гирдобига тушиб қолиб, катта ёшдагиларнинг шу қадар мураккаб бўлган дунёсини англаб етишга ҳаракат қилади.

Асарни фаранг тилидан мутаржим Шоазим Миноваров ўзбек тилига ўғирган. «Мондо ва бошқа ҳикоялар»нинг уч минг нусхаси Ўзбекистондаги шаҳар, университет ва мактаб кутубхоналарига тақдим этилади.

■ Ж. ДЕҲҚОНОВ, «Жаҳон» АА

МАКТАБ ПАРТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛЯПТИ

Қарши шаҳридаги Ҳамид Комилов номидаги мебель ишлаб чиқариш очиқ ҳиссадорлик жамиятида мактаб ўқувчилари учун бир ва икки ўринли парталар ишлаб чиқариляпти.

— Маҳсулотларимиз билан яқинда бўладиган тендерда иштирок этамиз. Тендердан ўтсак, биуюртмалар кўпаяди, — дейди цех бошлиғи Худойёр Ҳамроев. Корхонада ишлаб чиқариш сифати катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан биргаликда маҳсулот таннархи ҳам арзон.

— Асосий мақсадимиз жаҳон андозаларига мос мебулар ишлаб чиқариш, корхонада рентабелликни юқори даражага кўтариш, — дейди корхона раҳбари Саломат Комилова биз билан суҳбатда. — Ходимларимизнинг моддий манфаатдорлигини янада кўтаришни ҳам назарда тутиаяпти.

■ Илҳом КАРОМОВ

ИККИНЧИ ЧАКИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чакирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси 2000 йил 14 декабрь кунин эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИККАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 13 декабрь кунин соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида руйхатга олинади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР БЛОКЛАРИ ТАРКИБИГА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси 12 декабрь кунин соат 16.00 да ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида йиғилади. 13 декабрь кунин Олий Мажлисида соат 12.00 да: «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг, Фидокорлар миллий демократик партияси фракциясининг ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокнинг ҳамда соат 14.30 да — ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокнинг йиғилишлари бўлиб ўтади.

БҮЮК КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси «Ёшлар» телеканали билан ҳамкорликда «Буюк келажакка ишонч» шиори остида ёшлар мунозараларини ўтказиб келмоқда. Кунин кеча Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ана шу мунозараларнинг навбатдаги босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабалари иштирокида ўтган мунозараларда халқимизнинг ўзига хос қадриятлари, аждодларимиз қолдирган бой мерос, бу мероснинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси ҳамда унинг бугунги ҳолати ҳақида сўз борди.

Тадбир давомида турли тарихий обидалар, Имом Бухорий, Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуллоҳиқ Фихривоний каби буюк сиймоларнинг қадимжоллар зиярат қилинди. Самарқанд ва Бухоро давлат университетларида «Биз киммиз?» мавзусида ўтказилган учрашувлар ҳам эсда қоларли бўлди.

— Бундай мунозаралар навқирон авлодни ягона бир гоа атрофида бирлаштиради. Шу сабаб биз бундай амалий тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор билан қараяптимиз, — деди «Камолот» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Қаҳрамон Қуронбоев.

■ Шухрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЭЪТИРОФ

ФРАНЦИЯДАН МАКТУБ

Кўкун ўрмон ҳўжалиғи жамоваси олис Франциядан — Сановатга қўмаклашув ассоциациясиндан мактуб олди. Ассоциация президенти жаноб Бернер Муссон имзолаган ушбу мактубда Кўкун ўрмон ҳўжалиғи ишлаб чиқаришдаги барқарорлик ва узлуқсиз тараққиёт, маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар сифати учун ассоциациянинг олтин медалига сазовор бўлганини ҳақида хабар қилинган эди.

Сановатга қўмаклашув ассоциация Франциядаги энг мўътабар ташкилотлардан бўлиб, 1801 йилда ташкил этилган, 1824 йилдан бошлаб эса давлат аҳамиятига эга мақомини олган. Унинг олтин медали билан тақдирланган корхона мамлакат миқёсида ва жаҳон бозоридан улкан обрў-эътибор соҳиби ҳисобланади.

Яқинда Кўкун ўрмон ҳўжалиғи директори, Фарғона водийси ўрмончилик бошқаруви раиси Мансур Хўжаев Париж шаҳрида ушбу мукофот билан тақдирланган маросимда бўлиб қайтди.

— Корхонамиз МДҲ мамлакатлари бўйича қишлоқ ва сув ҳўжалиғи, ўрмончилик соҳаларида шундай мукофотга лойиқ топилган ягона жамовадир, — деди у. — Албатта, биз бу ютуққа осонликча эришганимиз йўқ. Собиқ иттифок даврида ҳўжалик ўта ночор аҳволга тушиб қолган, ҳатто, идора телефон ҳақини тўлолмади, «кар-соқов»га айланган эди. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида омиликорлик билан, узққни ўйлаб иш тутилди. Ўрмон ҳўжалиғи худуди 11 миң гектар ердан иборат. Сирдарёдаги оролларда ёввойи табиат сақланиб қолган. Минглаб гектар ерда серхослик боғлар, дон, сабзавот, полиз экинзорлари мавжуд, 1,5 миң гектарлик санавтўбпо ёғоч етказиб берадиган теракзоримиз шовуллаб турибди. Ҳар йили 100 гектардан янги теракзор барпо этиб бораётимиз.

Бу йил фақат ўзимизда чиққан терак ёғочни ҳисобидан 25 миллион сўмлик кенг истеъмол моллари, турли маҳсулотлар ишлаб чиқардик. Имом Бухорий, ал-Фарғоний, ал-Марғиновий ёдгорликлари мажмуаларини барпо этишда биз ўстирган ўрмон дарахтларидан фойдаланилгани билан фахрланамиз.

Франция Сановатга қўмаклашув ассоциацияси Кўкун ўрмон ҳўжалиғи билан бирга унинг директори, ХДП фаол аъзоларидан бири Мансур Хўжаевни ҳам ассоциациянинг кўкракка тақиб юрадиган олтин медали билан мукофотлади.

■ Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА

Баъзида ҳаяжонга тушсангиз тилга сўз қўймайди. Айниқса, кўз ўнгида мўъжизага монанд ҳолда пайдо бўлган нарса (дейлик, қарслардан зиёда бир иншоот) қошида мен бу ҳақда нима деб ёзишим мумкин, дейсиз. Ҳар қандай

Бу мухташам бинони обдон тасвирлаш алоҳида мавзу. Лекин унинг моҳияти ҳақида икки оғиз тўхталаш жоиз. Ёш авлод тарбияси, фарзандларимизнинг соғлом ва бақувват ўсиши, юртимизда спортни ривожлантириш борасида мажмуанинг

мавжуд. Бу ерда спортнинг бокс, дзюдо, миллий ва эркин кураш, футбол, теннис, энгил атлетика, сузиш турлари бўйича худо хоҳласа, Олимпиада ва жаҳон чемпиони етишиб чиқади. Сузиш хавзасининг бўйи 50, эни эса 21 метр. Ташкил теннис корти 900 киши,

«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт», деган гап ёдимизга тушган, ўз-ўзидан беҳуда эмаслигини англаймиз. Жиззахдан қайтаётим, яна бир бор Олимпия захиралари спорт мажмуини



қалам аҳлининг ҳаёлидан шундай ўй кечиши табиий. Ўқувчи бу тахлит иморатни ўз кўзингиз билан кўриб турганингиз каби ҳикоя қилиб беришни эплолмасангиз — ёзмаганингиз маъқул. Камина ҳам Жиззах шаҳрининг қоқ марказида пайдо бўлган Олимпия захиралари спорт мажмуини томоша қилаётим, қанийди, ҳар бир ўзбекистонлик шу бинони томоша қилса, юрагида фахр-ифтихор туяриди, гурқираб ўсаётган юртимизга душманликни мақсад қилган ватанфурушларнинг ичи куйарди, шу Ватаннинг обод бўлмоғи учун бир ғишт қўйиш ўрнига ҳар хил гап-сўзларни тарқатувчиларнинг тили танглайга ёпилиб қоларди, деб ўйладим.

аҳамияти чексиз. Жисмонан кучли инсоннинг иродаси мустаҳкам, руҳияти тиниқ ва юксак бўлади. Спорт — тан ва руҳ камолоти мезони. Жиззахда қуриб битказилган Олимпия захиралари спорт мажмуини кўриб, давлатимиз раҳбарияти болаларимиз, келажакимиз учун қандай қилиб бўлмасин имкон топиб, маблағни аямаётганига гувоҳ бўласиз. Мажмуада 750 ўринга мўлжалланган спорт коллежи талабалари мазкур соҳанинг барча турлари бўйича шўуғуллинишади. Замонавий, жаҳоннинг қиёфадаги ушбу иншоотда халқаро турнирлар, дунёвий миқёсдаги беллашувлар ўтказилади. Ўқувчилар учун барча қўлайликлар эга, сўнги рўсумда таъмирланган ётоқхона

сузиш хавзаси эса 245 томошабинга мўлжалланган. Ҳозирда мажмуа коллежида 220 нафар ўғил-қизларимиз тахсил кўряпти. Иншоот ичкарисининг салобату ҳашами ҳам ўзига хос. Бокс, теннис, волейбол, баскетбол, кураш майдонлари ва уларнинг мукамал тарзда жиҳозланиши, сузиш хавзасининг ҳеч бир ўқув машғулоту ва хорихий мусобақалар ўтказиладиган майдонлардан қолишмаслиғи ҳам диққатни жалб қилади. Бу ёруғ ва кўркам мўъжизавий бино миллати ва эртасини ўйлаган Ватаннинг келажак аср олдидан ўз фарзандларига бебаҳо туҳфаси. Бунга кетган мезнаҳт, маблағ, тинимсиз илҳатингиз, қанчалаб машаққату бедорликларни эса

кўргим келди. Тагин кайфиятимда бир кўтаринкилик тўйдим. Ҳаво совуқ, биринчи қор учқунлари захридан бадан жунжиқади. Сузиш хавзасида эса коллеж талабаларидан бири машқ бажараяпти. Ташқарида, очиқ осмон остида, сувда. Менинг ҳайратланганлигимни кўрган коллеж жисмоний тарбия раҳбари Юсуф Аҳрорқўлов қулиб қўйди. Ўртбошимиз ташаббуси билан амалга ошган ушбу мажмуанинг барпо этилишида фидойилик қилган Жиззах вилояти ҳокимлиғи, барча ташкилот раҳбарлари ва жаззахликларнинг меҳнати юз кўрсатганидан қувондим. Бориб кўринг, сизнинг ҳам ҳаёлингиздан шундай ўйлар кечади.

■ Кўчқор НОРҚОБИЛ

ЧЕГАРАДАН ЎТИШАЁТГАНДА...

Жаммуга Покистон томондан суқилиб киришга уринган 12 киши ўлдирилди. Хабарларга қараганда, чегарани кесиб ўтишга уринганларни ҳинд ҳарбийлари сезиб қолган ва уларга тўхташ тўғрисида буйруқ берган. Бироқ бузғунчилар Покистон худудига яширинишга ҳаракат қилиш билан бирга, чегарачиларга қарата ўқотар қуроллардан ўт очган. Тўқнашув натижасида чегарани бузганларнинг барчаси ўлдирилган.

«ЮК» МУСОДАРА ҚИЛИНДИ

Коста-Рикада мамлакат полицияси ва АҚШнинг наркотикларга қарши кураш бошқармаси ходимлари ҳамкорликда ўтказган операция натижасида тўрт тоннага яқин кокаин мусодара қилинди. Коста-Рика тарихида бундай катта ҳажмдаги гнёҳванд модда илгари қўлга туширилмаган эди. Хабарларга қараганда, кокаин иккита моторли қайиқнинг юкхоналарига жойланган экан. Юкни Колумбиянинг ўн нафар фуқароси кузатиб бораётганди.



СОБИҚ БОШ ВАЗИРНИНГ АҲВОЛИ ОҒИР

Бундан бир йил муқаддам ҳарбий тўнтарий туфайли лавозимдан айрилиб, умрбод қамқоқ жазосига ҳукм қилинган Покистон бош вазири Навоз Шарифнинг соғлиғи кескин ёмонлашди. Рафикаси Кулсум Навознинг айтишича, Н.Шариф кўкрак қисмидаги кучли оғирдан азият чекмоқда. У қамқоқхона шифокорларини ўз ишини билмасликда айблади ва турмуш ўртоғини эздилик билан махсус кардиология шифохонасига ётқиизишни талаб қилди.

ЖАНГАРИЛАР ЖАЗОЛАНДИ

Малайзияда «Ал-Мануаҳ» диний экстремистик гуруҳи жангариларидан олти нафари қуролли босқин, талон-тороқ, қотиллик ва гаровга олиш каби жиноятларда айбланиб, 10 йиллик қамқоқ жазосига ҳукм қилинди. Улар ўз айбиги иқрор бўлгани ва рамазон ойи муносабати билан нисбатан энгил жазо олди. «Ал-Мануаҳ» гуруҳи июль ойида Малайзия армияси базасига ҳужум уюштириб, юздан ортиқ милитк, кўплаб ўқ-дори ва портловчи моддаларни ўлжа қилган эди. Улар ўзлари гаровга олган тўрт кишидан иккитасини ўлдирган.

ҲАРАКАТГА ТУШИБ ҚОЛИШДИ

Индонезиянинг Ириан-Жая вилояти (Фарбий Папуа) айирмачилари ҳукуматга қарши жанговар ҳаракатлар бошлаганини эълон қилди. «Папуа озодлиғи ташкилоти» ҳаракати раҳбарияти мазкур худудни мустақилликка тайёрлаш ишларини мубофиқлаштирувчи вазифасини бажараётган «Папуа президиуми» билан ҳамкорлик қилишдан ҳам воз кечди. Уларнинг фикрича, президиум фаолиятида белгиланган мақсад — мустақил Папуа давлати тузишда силжиш кўзга ташланмаган.

■ (ЎЗА)



XXI АСР — АҲБОРОТ, ФИҚР, ТАҒАККУР АСРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» —
АҲБОРОТ, ФИҚР, ТАҒАККУР ТАРАҒДОРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГА ОБУНА БЎЛИНГИ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:	
«Ўзбекистон овози»	— 220
«Голос Узбекистана»	— 121

УЧ ЭГИЗАК — БАРЧАСИ СЕРГАК

Конституция байрами арафасида ромшанлик Муҳиддиновлар оиласида бир ўйла уч эгизак дунёга келди...

Даврон БАХРОНОВ

«ROCK-MASTER» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтдаги «Ешлик» спорт мажмуида «LICKY STRIKE» савдо тамғаси мусиқа шанавадаларига тақдим этган биринчи халқаро фестивал бўлиб ўтди...

Икромжон ИСМОИЛОВ

Жўракул аслида туман телевидениесининг бошловчиси эди, бирдан Ўзбекистон телевидениеси вилоят муҳбири бўлиб кетди...

Иш билан бўлиб, орадан йиллар ўтди, сезмабман. Бир кун унга яна дуч келдим, бу пайтда Жўракул Турсунов эл ичра танилиб қолган эди...

Биз бугун мана шу жараёни қайта таҳлил этиш имконига эгамиз. Денов тумани ҳокимлигининг рўпарасида Турсуновнинг идораси бор...

Баъзан менга, ишлашни Жўракулдан ўргансангиз бўлмайди, дейишади. Шунда мен, телемуҳбирлик билан журналистиканинг фарқи катта, телемуҳбирлик — озаки адабиёт, газетачилик эса ёзма адабиёт...

одаминг кўлидан келади, — дейишади. — Аммо гап бошқа ёқда. Жўракул Турсунов Жанубий Ўзбекистонда ягона!

Хақиқатан ҳам у мамлакатимизнинг жанубида шу даражада машҳурки, умрида телевизор кўрмаган чўпон ҳам Жўракул ҳақида соатлаб хангома бериши мумкин...

Агар бу соҳа кишиси фикрчан, сермулоҳаза бўлса, миллионлаб кишиларга наф етказиши мумкин.

Жўракул Турсунов мисолида мен бугунги куннинг журналисти қандай фазилатларга эга бўлиши керак, деган саволга ўзимча жавоб топдим. Албатта, бундан Турсунов жуда зўр экан, деган хулоса чиқармаслик керак...

масофани забот этмоқ учун бизга ўхшаган суяги оғир муҳбирларга кўп йиллар керак бўлади. Бир мисол: деновликлар умрини савдо ишларида ўтказган Саттор Шеров деган одамни яхши билишади...

Жўракул ҳозир завқи тошган шундай паллани бошдан кечирияттики, бизга ўхшаган муҳбирлар бир ойда ҳам тузукроқ мақолага мавзу тополмай хуноб бўлиб юганимизда у бир фермер билан уч минут сўхбатлашиб, барчани ларзага соладиган кўрсатув тайёрлаши мумкин...

Аслида, ижод аҳли куч-қувватини авайлаб сарфлаши керак, шекилли, Виктор

Шкловский кексаиб қолганда адаши Конекскийга шундай дейди: — Тиши тушиб кетган бўрини қуёнлар ҳам масҳара қилади-да!

Сурхондарё вилоятининг Сариев ва Узун туманлари чегара ҳудудига террорчи гуруҳлар суқилиб киришга ҳаракат қилганида Жўракул Турсунов жанг ва тозалаш бораётган жойлардан берган жанговар репортажлар, шунингдек, унинг кишлоқ мактаблари муаммоларини кўтариб чиққан танқидий кўрсатувлари, поэтик бўёқларга бой таъсири...

Жўракул ҳозир завқи тошган шундай паллани бошдан кечирияттики, бизга ўхшаган муҳбирлар бир ойда ҳам тузукроқ мақолага мавзу тополмай хуноб бўлиб юганимизда у бир фермер билан уч минут сўхбатлашиб, барчани ларзага соладиган кўрсатув тайёрлаши мумкин...

бир лаҳзасидан тўғри фойдаланиши керак, демоқда. Бу гаплар менга таъсир қилди. Ҳатто ишбилармон Саттор ака ҳақида нимадир ёзгим ҳам келди, аммо, ростки, ҳафсалам етмади.

Жўракул ҳозир завқи тошган шундай паллани бошдан кечирияттики, бизга ўхшаган муҳбирлар бир ойда ҳам тузукроқ мақолага мавзу тополмай хуноб бўлиб юганимизда у бир фермер билан уч минут сўхбатлашиб, барчани ларзага соладиган кўрсатув тайёрлаши мумкин...

Аслида, ижод аҳли куч-қувватини авайлаб сарфлаши керак, шекилли, Виктор



ШУНДАЙ БИР ИМОРАТ БИНО ЭТГИНКИ...

«Время»нинг муҳбири Павел Шеремет ҳамкасбларидан бир-икки савол бериш, сиртдан қараганда жуда осон. Мен аввал шундай фикрда эдим. Жўракул «Ахборот»га муҳбир бўлиб ўтган, унинг ишларини кузатиб, гоҳо ўзимнинг ўрнига қўйиб қўриб, бу фикрдан қайтдим. Аслида телевидение орқали кенг жамоатчилик билан очик мулоқот қилиш ХХ асрнинг энг қийин касбларидан биридир...

Учинчи минг йилликнинг Янги йилида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси тез-тез учувчи йўловчилар учун рағбатлантирувчи дастурни жорий этди. Бунда МАК қатновларидаги парвозлар сони бўйича йўловчи баллар тўплайди ва энг кўп балл тўплаган киши ўзи танлаган йўналиш бўйича бепул чипта олади.

Сизлар учун янги йўналишлар очилади. Шулардан бири — ТОШКЕНТ — ОСАКА. 2001 йилнинг январида эса биргалликда фойдаланадиган ТОШКЕНТ — БИШКЕК — КРАСНОЯРСК авиайўналишининг очилиши режалаштирилмоқда.

Бир лаҳзасидан тўғри фойдаланиши керак, демоқда. Бу гаплар менга таъсир қилди. Ҳатто ишбилармон Саттор ака ҳақида нимадир ёзгим ҳам келди, аммо, ростки, ҳафсалам етмади.

Жўракул ҳозир завқи тошган шундай паллани бошдан кечирияттики, бизга ўхшаган муҳбирлар бир ойда ҳам тузукроқ мақолага мавзу тополмай хуноб бўлиб юганимизда у бир фермер билан уч минут сўхбатлашиб, барчани ларзага соладиган кўрсатув тайёрлаши мумкин...

Аслида, ижод аҳли куч-қувватини авайлаб сарфлаши керак, шекилли, Виктор

БОШ МУҲАРРИР

- Азим СУЙОН
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙУЛДОШЕВ
Ислам ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
Алиқул СУЛТОНОВ
Андрей ОРЛОВ
Бахтиёр ҲАМИДОВ
Валерий ЛАБАРШНИХ

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

БЎЛИМЛАР:

- Сўбат ва хуқуқ — 133-44-55
Иқтисодий — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

- Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоида — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
Навбатчи
Шоҳадар МИРҲАБИБОВ
Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи
Икромжон ИСМОИЛОВ

«Шарк» нашрийт-матбаа концерни Босмақонаси.
Корхона манзили:
Буёқ Тўрон кўчаси, 41-уй.
Рўйхатдан ўтти тартити
№ 00004
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.
Г — 702

Топшири вақти -- 21.00.
Топширида --
1 2 3 4 5 6
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

UZBEKISTAN airways
«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»НИНГ ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ
ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИНИНГ МУҲИРАМ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ!
Учинчи минг йилликнинг Янги йилида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси тез-тез учувчи йўловчилар учун рағбатлантирувчи дастурни жорий этди. Бунда МАК қатновларидаги парвозлар сони бўйича йўловчи баллар тўплайди ва энг кўп балл тўплаган киши ўзи танлаган йўналиш бўйича бепул чипта олади.

Болтабой Юсупович ЮСУПОВ
Шафқатсиз ўлим таниқли журналист, ёш ижодкорларнинг талабчан устози Болтабой Юсупович Юсуповни орамиздан олиб кетди. Болтабой Юсупов 1937 йилнинг 12 январида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида деҳқон оиласида таваллуд топган. 1954 йили ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек журналистикаси бўлимида ўқий бошлади ва кейинчалик Қирғизистоннинг «Қирғизистон ҳақиқати» республика газетасида адабий котиб бўлиб ишлаш билан бир қатар унинг ишлари билан бир қатар давом эттирди. 1961-1966 йиллари Ўш вилояти газетасида масъул котиб, муҳаррир ўринбосари вазифаларида ишлади.
Б. Юсупов ижодий ва ташкилотчилик фаолиятининг асосий қисмини Ўзбекистон матбуоти билан боғлаган. У республиканинг отахон газетаси — «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози»)да адабий ходим, халқаро бўлим мудири, кейинроқ эса бош муҳаррир ўринбосари вазифаларида, сўнг масъул лавозимларида ишлади.
Ҳаётда камтар, ўзига бағоят талабчан, камчиликларга мурокасиз Б. Юсупов Ўзбекистон матбуотчиларининг ҳурмат-эътиборини қозонган эди. Ижодий жамоаларда аjoyиб маслаҳатчи, талабчан устоз ва меҳрибон раҳбар, оилада фарзандларининг синчоқ тарбиячиси, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол эди. Унинг самарали ижодий меҳнати муносиб тақдирланган.
Азиз дўстимиз ва ҳамкасбимизнинг ёрқин хотираси бир умр ёдимизда сақланиб қолади.
Бир гуруҳ ҳамкасблари

КИМ? ҚАЧОН?
12 ДЕКАБРЬ
Юлдуз УСМОНОВА — Ўзбекистон халқ артисти.
Наим КАРИМОВ (1932) — адабиётшунос.
Сувон МЕЛИЕВ (1951) — адабиётшунос.
Ахмед ИБРАГИМОВ (1928) — академик.
Шавкат СОЛИХОВ (1944) — академик.
13 ДЕКАБРЬ
Тошпўлат АХМЕДОВ (1942) — шоир.
14 ДЕКАБРЬ
Ҳабибулло ТЕМИРОВ (1954) — ёзувчи.
15 ДЕКАБРЬ
Салоҳуддин МАМАЖОНОВ (1931) — адабиётшунос.
Зебо МИРЗАЕВА — шоира.
Бозор НОМЗОВ (1945) — ёзувчи.
Ботир БОЛТАЕВ (1912) — ташкилотчи, рассом.
Нўмон СОТМОНОВ (1939) — академик.
Анатоль КИРШИН (1937) — академик.
Риксиниса ИМОННАЗАРОВА — «Баҳор» дастаси раҳбариси.
16 ДЕКАБРЬ
Санобар ҲАСАНОВА — ёзувчи.
Салим АШУРОВ — «Туркистон» газетаси бош муҳаррири.
Эрлик МАЛИКБЕКОВА — Ўзбекистон халқ артисти.
17 ДЕКАБРЬ
Худойберди ТУХТАБОВЕВ (1932) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси.
Роман ЗОХИДОВ (1937) — академик.
Назирахан ҲАКИМОВА — Андижон вилоят мусиқали театри актриси.
Дилшод РАҲАБОВ (1964) — шоир.
Роҳиля ҲАФИЗОВА — ёзувчи.
ТАБРИКЛАЙМИЗ, ҚУТЛАЙМИЗ!
222133-12-56111
ҚУНҒИРОҚЛАРИНИГИЗИ КУТАМИЗ.

АПКАЛ-Г
Кальций глюконат
• Уши даврида • Рахитда • Остеомаляцияда БОЛАЛАР ВА ЎСИРАЛАР УЧУН КАЛЬЦИЙ МАНБАИ

Табият бойлиги
Иптахани очди ва ўшига ёрдам беради.
Жигарин сиртқи иччиликлар таъсириндан сақлайди.
Умумий ҳолатни яхшилайди.
Юқумли генетик ва пирозиди доволашда қўллавилади.
Халқимиз соғлиғи

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!
Республика Кўчаси мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни 2001 йил 17 январь кун соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларга таклиф этади.
Савдога қуйидагилар қўйилади:
Оҳангарон шаҳар «Цементный» кўчасида жойлашган «PCY-149» га қарашли мол-мулклар. Бошланғич нархи — 5.000.000 сўм.
Шунингдек, аввалги савдоларда сотилмай қолган ер майдонлари, ишоотлар ва автотранспортлар ҳам ушбу савдода сотилиши мумкин.
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона.
Тел.: 133-28-52, факс: 133-49-31.
Тошкент давлат иқтисодий университетининг томонидан Ойбек Саъдуллаевич ЮСУПОВ номига 2000 йилда ВН 022591 рақами олий маълумот ҳақидаги диплом ва унга берилган илова йўқолганиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ